

Фахритдин Хантович ХУДАЙНАЗАРОВ
Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот
маркази илмий ходими

ҲАДИС РОВИЙЛАРИНИ ЖОЙ НИСБАСИГА АСОСАН ТАРТИБЛАШ

УПОРЯДОЧИВАНИЕ РАССКАЗЧИКОВ ХАДИСОВ ПО ИХ МЕСТУ

COMPILATION OF HADITH NARRATORS FROM THEIR HOMELAND

Ушбу мақолада ҳадис ровийларини ватанларига асосан тартиблаш ҳақида сўз юритилади. Мақолада таълим муассасаларда ҳадисишунослик фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларга билим бериш, уларнинг билим қобилиятини ривожлантириш, уларга соф Ислом ақидасини тушинтириш каби муҳим вазифалар ҳал қилинади. Ҳадис ровийларини ватанларига асосан тартиблаганга доир олиб борилган тадқиқотлардан мисоллар келтирилиб, бу борадаги баъзи таҳлилар берилади.

Таянч сўзлар: жарх ва таъдил, ровий, санад, ривоят, муҳаддис, тадлис, заиф, табақот, илмур-рижол, насаб.

В этой статье рассматриваются упорядочивание рассказчиков хадисов по их родине и важные вопросы, как обучение студентов в процессе преподавания хадисов в учебных заведениях, развитие их познавательных способностей, разъяснение им чистой исламской веры. Приведены примеры исследований по упорядочиванию рассказчиков хадисов в зависимости от их родины, даны некоторые анализы в этой связи.

Ключевые слова: аль-Джарх (дискредитация) и ат-Та'диль (смягчение (приговора)), рассказчики хадиса, санад («опора»), передача хадисов, мухаддис, тадлис, даиф, Табақат («поколение»), Илм ар-риджалъ («наука о мужах»), генеалогия.

In this article, we will talk about ranking the narrators of hadith by their homeland. The article deals with such important tasks as giving knowledge to students in teaching the science of Hadith in educational institutions, developing their cognitive abilities, and understanding the pure Islamic faith in them. Examples of studies on the ranking of hadith narrators by their homeland, and some analyses.

Keywords: al-Djarh wa 'l-Ta'dil, narrator of hadith, isnād, Translation of hadiths, muhaddith, Tadlis, Da'if, tabakat, Biographical evaluation, genealogy

КИРИШ

Мухаддислар ровийлар ҳақидаги билимларни Қуръон оятлари ва Муҳаммад алайҳиссалом ва саҳобаларнинг сўзларидан олишган. Дарҳақиқат Қуръон оятлари солиҳ кишиларни мактаб, мунофиқ ва ахлоқсиз одамлардан огоҳлантириб келган. Улар ҳадис илми китобларида саҳобалар ва мунофиқларни аниқлашда, Қуръон оятлари тафсири ва Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадислари шарҳига суянишган. Қуръони Каримда: «Эй иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар, ...» (49: 6) ояти, эшитилган хабарни аниқлаб, кейин оммага ёйиш ҳақида амр қилинганлиги, мухаддисларга ҳадис ривоят қилишда ровийлар хабарини текшириш муҳимлигини баён қилингани маълум бўлади. Ҳадис китобларида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаллам томонидан баъзи саҳобаларни мактаб, бошқа хабарларда Уайнаҳ ибн Ҳисн ва Ҳакам ибн Абил Ос сингари мунофиқларни қоралайдиган кўплаб ҳадислар келганлигини мушоҳада қилишимиз мумкин. Бу ҳол саҳобалар тарихини ўрганаётган вақтимизда тарих ва табакот китобларида ҳам учраб туради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мухаддислар ровийлар ҳақидаги китобларни:

- 1- Ровийларнинг насаби,
- 2- Ровийларнинг табақаси,
- 3- Ровийларни яшаётган шаҳари,
- 4-Ровийлар исмларини алифбо харфларига асосан тартиблаб, тасниф этганлар.

Мақоламизда ровийни яшаётган шаҳарига асосан тартиблаш ҳақида сўз боради. Бу илмдан мақсад ҳадис ровийсини бир мамлакатга нисбат берилганини билишдан иборат. Кўпинча ровий туғилиб ўсган ё сафар қилиб яшаётган қишлоқ ё шаҳарга нисбат берилади.

Бу илмдан олинган фойдалар:

- 1.Ровийнинг шайхи билинади.
- 2.Ровийнинг шахси аниқланади.
- 3.Шу исмдаги нотаниш ровий ажратилади.
- 4.Мудаллас ровий маълум бўлади.

Масалан Маъмар ибн Рошид ал-Ҳофиз воқеасида, ровийнинг ватани сабабли

ровийнинг заифлиги аниқланган эди. Яъқуб ибн Шайба: «Басра аҳлини Маъмардан ривоят қилиши изтиробли, чунки Маъмарни китоблари Басрага келган вақтида у билан бирга эмас эди» дейди. [2]

Бизларга ровийлар ҳақидаги китоблардан, шаҳарларга асосан тартибланиб, етиб келган китоблар:

1. Халифа ибн Хаййотни «Ат-Табақот»,
2. Муҳаммад ибн Саъдни «Ат-Табақотул кубро»,
3. Муслим ибн Ҳажжожни (вафоти 261.х/875.м) «Ат-Табақот»,
4. Ибн Аби Хайсамни (вафоти 279.х/893.м) «Ат-тарихул кабир»,
5. Ибн Ҳиббон ал-Бустийни (вафоти 354.х/965.м) «Машоҳиру уламоил амсор» асарларидир.

Муаллифлар асарларида кенг дунё қарашларини намоён этганлар. Ислом олами шаҳарлари ўзининг кенг чегаралари билан уларга дарс майдонига айланган эди. Китобларида шаҳарлар машҳурлиги шаҳарни илмий даражасига ва ундаги ҳадис ривоят қилиш фаёолиятини даражасига бориб тақаларди. Шаҳарнинг уламолари сони қанча кўп бўлса, у шаҳарда ҳадис ривоят қилиш фаол бўларди. Муаллифлар бир шаҳарни китобларида кўп зикр этсалар, ўша шаҳарни машҳурлиги баланд бўларди. Шу сабаб Мадинайи Мунаввара ҳиссаси бу китобларнинг барчасида баланд мавқиени эгаллаган. Халифа ибн Хаййот китобининг учдан биридан кўпроғини Мадинага бағишлаган. Ибн Саъд «Табақот»ида ҳам Мадинайи Мунавварани обрўси баланд эди. Ҳадис ровийларини ўз ичига олган олти жилдлик китобнинг уч жузъи Мадина аҳлининг саҳобий ва саҳобияларига бағишланади. Китобнинг тўртинчи жилдида Мадина шаҳри билан бошқа Ҳижоз шаҳарлари иштирок этишган. Лекин Мадина шаҳрининг ҳиссаси катта. [3] Ибн Хайсамни «Тарих» ва Ибн Ҳиббонни «Машоҳиру уламоил амсор» китобларида ҳам Мадиналиклар ҳиссалари катта. Иккала муаллифни Мадина шаҳрига катта аҳамият беришда иттифоқ қилиши, Мадина уламоларининг кўплиги ва Мадинада ҳадис илмини юксак фаёолияти, ҳижратнинг аввалги икки асрида Ислом оламидаги бошқа илмий марказлардан баланд эканлигига далолат этади. Бунинг ажабланарли жойи йўқ.

Чунки Мадина суннатнинг ватани, расулулоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам замонларида саҳобалар ҳижрат қилиб ташриф буюрган макон. Саҳобалар расулулоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалламдан ҳадисни юзма юз эшитиб, ривоят қилишган. Улардан кейин келган илм изловчилар ва осорни ривоят қилувчиларга саҳобалар илм манбаи бўлганлар. Мадинайи Мунавварадан расулулоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам вафотларидан кейин кўплаб саҳобаларни чиқиши билан илм бошқа шаҳар ва мамлакатларга ёйилди. Саҳобалар фатҳ этилган мамлакатларга бориб истикомат қилишди. Ва шу юртларда илм ва ҳадис ривоятини нашр этдилар. Мадинани илм ва адабиёт соҳасидаги даражаси, бошқа шаҳарларни Мадинадан ўзиб кетишлигига йўл қўймади. Ҳатто Ибн Жавзий (6-ҳижрий аср) «Сифатус сафвах» (Пок инсонлар сифати) китобини тартиблашда Бағдод шаҳрини бошланиш нуқтаси қилиб олмоқчи бўлди. Чунки Бағдод ўша замонда бошқа шаҳарлардан кўра, илм маърифатда ривожланган шаҳар эди. Аммо у «Мадина ва Макка шаҳарларининг шарофатлари жиҳатидан, Бағдодни олдинга келтира олмади.» [5] Мадина шаҳридан китобини бошлади. Кейин Макка шаҳрини Бағдоддан олдин келтирди. Ҳижознинг бошқа шаҳарларининг ҳадис ривоят қилишдаги ўрни Мадинага қиёслаганда орқада эди. Бу шаҳарлар ичида Макканинги ўрни Макка аҳлидан баъзиларни илм ва ҳадис ривоятида назарга тушиб турганлари, дийний марказ бўлганлиги ва ҳаж мавсумида уламоларнинг жамланиши ва бу мавсумда илмий мажлисларни ташкил этилиши жиҳатидан яққол кўриниб турарди. Ҳадис илмини фаёолияти Мадинага ўхшаш кучли сурат билан, Ироқда, хусусан Кўфанинги баъзи жойлари ва Басрада кўзга ташланарди. Кўфа ва Басра шаҳарларида қироат илмида машҳур саҳобалардан Абу Мусо ал-Ашъарий, фикҳ илмида танилган ва Кўфа мактабига асос солган ва шогирдларидан илм донишмандлари чиққан Абдуллоҳ ибн Масъудлар истикомат қилишарди. Кўфа шаҳрининг ҳижрий биринчи асрда тутган сиёсий ўрни ҳадис илмининг фаёолиятига муҳим таъсир кўрсатди. Дамашқ ва Кўфа ўртасидаги сиёсий низоъ ҳадисга бўлган ихтиёжни мустаҳкамлади. Куръон ва суннатга асосланган шариатга амалларини мувофиқ деб даъво қилаётган томонларни далилларини ҳадис билан қувватлаш зарурий ҳол эди

Аммо Басра шахрининг машхурлик даражаси Кўфадан пастроқ эди. Басрага келган саҳобалар сони Кўфага келган саҳобалар сонидан кам эмас эди. Лекин тобеъинлардан ҳадис ривоят қилишда машхур бўлган Басраликлар Кўфаликлардан кам сонли эди. Ибн Саъд «Кўфа аҳлидан тобеъинлардан ҳадис ривоят қилиш билан машхур бўлганлар адади 500 нафардан кўпроқдир. Аммо Басралик тобеъинлардан ҳадис ривоят қилганлар адади 200га етмайди.» дейди. Иккала шаҳарда олимларнинг кўплиги ва ҳадис илмининг тарқалганлиги сабаб, шаҳарлар машхурлик даражаси баланд пағонага етган эди. Ироқнинг Кўфа ва Басра шаҳарларидан бошқа шаҳарлари илмий фаъолиятга Халифа ибн Хаййот ва Муҳаммад ибн Саъднинг китобларини кенг дарслик қилган замонда етишди. У замонда Восит ва Бағдод шаҳарларини кеч қурилгани эътиборга олсак, саҳобий ва тобеъинлар бу шаҳарларга келмагани аён бўлади. Балким бу шаҳарларга Кўфа ва Басра шаҳарларидан табаъа тобеъинлар кўчиб келишган. [6] Илм маърифатни Бағдодда гуллаб яшнаши Халифа ва Ибн Саъдларни китобини дарслик қилганларидан кейин кечроқ келганди. Шу сабаб иккала китобдан кам насиба олишаётганди. Кейинчалик Бағдод илм ва уламолар жамланадиган шаҳарга айланди. Ҳатто Ибн Ҳиббон таассуб юзасидан саҳобийлар келган шаҳарлар сирасига қўшди. Кейинроқ биронта ҳам саҳобий келмаган деб зикр этди. Ислом оламининг шарқ заминлари [8] хижратни аввалги иккинчи асрида ҳадис ривоят қилишда машхур бўлмаган. Шу сабаб Халифа ибн Хаййот ва Ибн Саъдлар наздида муҳим эътиборга молик бўлмади. Хижратнинг 3-ва 4-йилларида ҳадис ривоят қилиш Шарқда гуллади. Бу заминда ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Дорамий каби алломалар дунёга келишган. Шу сабаб Ибн Ҳиббон Ислом оламининг шарқ заминларини «Исломда машхур ва уламолари билан маълум иклимлардан» деб эътибор қилган. Халифа ибн Хаййот ва Муҳаммад ибн Саъднинг шаҳарлар силсиласини келтиришидан, иккала муаллиф ҳам шаҳарни бошқа шаҳардан устун қўйишда, шаҳар уламоларининг кўплиги ва ҳадис илмининг фаъолиятига қараб баҳо беришгани мулоҳаза қилинади.

ХУЛОСА

Таъкидлаш лозимки, умумий табақот китоблари ё бир мамлакат кишиси ҳақида чоп этилган китобда шаҳарларга асосан ровийларни тақсимлаш, бизларга мамлакат ровийлари ва уларнинг ватани ва бошқалар билан алоқаларини билишлик имконини беради. Ровийнинг ватанини билмоқдан, бошқа ровийлар билан учрашгани билинади. Агар ровийлар бир жойдан бўлмасалар, бир бирларини шаҳарларига кирган бўлмасалар, ҳаж ва шунга ўхшаш мавсумларда учрашмаган бўлсалар, ровийга ривоят қилишига ижоза бўлмаса, бу вақтда ҳадис санадида ирсол ё инкитоъ, ё азл, ё тадлис борлиги билинади. Ўтган баҳслардан муҳаддислар ҳадис ровийларини ватанига чуқур эътибор қаратиб, набавий ҳадисларни кўз қарочиғидай асраб, кейинги ёш авлодга етказганлиги маълум бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғйра ал-Бухорий. Ат-таъриху ал-кабир. Байрут, 1971.
2. Абу Ийсо Муҳаммад ибн Ийсо ибн Савра ибн Мусо Сулабий *Термизий*. Шарҳу илалит Термизий. Мактабатул манор. Урдун, 1987.
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Саъд. Ал-жузъу ал-мутаммим ли табақоти Ибн Саъд. Мактабатус-сиддик. Тоиф, 1993.
4. Акрам ибн Зиё Умарий. Бухусун фи тарихи суннатил мушараффати. Мадина, 1994.
5. Жамолуддин Абул Фараж Абдуррахмон ибн Али ибн Муҳаммад ал-Жавзий. Сифатус-сафвах. Дорул-ҳадис. Миср, 2000.
6. Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад ибн Ҳиббон. Машоҳиру уламоил амсор ва аъломи фуқаҳоил актюр. Дорул вафо лит-табоати ван-нашри ват тавзий. Миср, 1991.
7. Абул Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож. Ат-Табақот. Дорул-хижрати лин-нашри ват тавзий. Саудия, 1991.
8. Ж. Чўтматов. Термизининг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. Янги нашр. Тошкент, 2017.
9. Сайид Абдул Мождид Ғаврий. Мўжаму мусталиҳотил-ҳадисияти. Дорул ибн Касир. Байрут, 2007.
10. Қози Ҳасан ибн Абдурахмон Ромаҳурмузий. ал-Муҳаддис ал-Фосил байнар ровий вал воий. Байрут, 1983.
11. Розенталь Франц. Илмут тарих индал муслимийн. Муассисатур-рисола. Байрут, 1983.